

СОЛИҚ СОЛИШ МАҚСАДЛАРИДА АМОРТИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИГАН АКТИВЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аминбоев Жалолиддин Отабек ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹³⁴ги қарорида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га ўтишни жадаллаштириш ҳамда унинг натижадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар амортизация қилинадиган активлар ҳисобининг назарий, меъерий-ҳуқуқий, услубий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш заруратини кучайтирмоқда. Шу боис, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисоби объекти сифатида амортизация қилинадиган активлар тушунчасининг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш ва таснифлаш ахборотдан фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлишини таъминлайди.

Амалдаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда амортизация қилинадиган активлар атамасига қисқача изоҳ келтирилган ҳолда таснифлаш мезонлари белгиланган ва молиявий ҳисоботда узоқ муддатли активлар сифатида таснифланадиган активлар таркиби келтирилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 306-моддасида амортизация қилинадиган активлар тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига асосан солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олиннадиган асосий воситалар ва номоддий активлар ушбу модда мақсадларида амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилади»¹³⁵. Демак, мазкур таърифдан кўринадики, солиқ солиш мақсадларида амортизация қилинадиган активлар таркиби бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган мезонлар асосида шакллантирилади. Бу эса, солиқ солиш мақсадларида амортизация қилиш объектини белгилашда бухгалтерия ҳисоби қоидалари ҳал қилувчи мезон сифатида қаралишини асослайди.

Монографик тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, амортизация қилинадиган активлар тушунчасига иқтисодчи олимларнинг ўқув-услубий

¹³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-февралдаги «Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>

¹³⁵ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан тасдиқланган). <https://lex.uz/docs/4674902?ONDATE=01.01.2025>

ва илмий асарларида қуйидагича ёндашувлар келтириб ўтилган. Жумладан, В.А.Бубнов, Д.А.Одаховская ва А.А.Пятаклар “Солиқ ҳисобида амортизация қилинадиган объектларга бошланғич қиймати юз минг рублдан юқори бўлган объектлар киритилади, мазкур меъёрдан паст бўлган активлар, фойдаланишга киритилган ҳисобот даврида ташкилот харажатлари таркибига тўлиқ миқдорда бир марталик тарзда ҳисобдан чиқарилади ва уларнинг сақланиши устидан белгиланган тартибда доимий назорат ўрнатилади”¹³⁶ деб таъкидлаган.

А.И.Осипова ёзишича, “Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 256-моддасига мувофиқ, амортизацияланадиган мулк деб фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ ва бир бирлик учун қиймати 100 000 рублдан юқори бўлган, даромад олиш мақсадида фойдаланиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар эътироф этилади”¹³⁷.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Н.Р.Ризаев ва Ф.И.Исаевлар¹³⁸ номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва уни такомиллаштириш масалаларига бағишланган тадқиқот ишларида “... солиқ тўловчи томонидан актив сифатида ҳисобга олинадиган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация қилинадиган активлар сифатида эътироф этилади” деган хулоса билан чекланадилар.

А.С.Болтаев¹³⁹ ўз илмий тадқиқотларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида асосий воситаларга эскириш (амортизация) ҳисоблаш тартибини қиёсий таҳлил қилиб ўрганган. Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда муаллиф тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида амортизацияни бир хил нормаларда ёки турли нормаларда ҳисоблаш, шунингдек бухгалтерия ҳисоби мақсадларида Солиқ кодексига белгиланган нормалардан юқори амортизация меъёрларини қўллаш имкониятларини ўзаро мувофиқлаштириш бўйича ўз ёндашувларини келтириб ўтади.

Албатта, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг ёндашувлари илмий ва амалий жиҳатдан эътиборга моликгини таъкидлаган ҳолда «амортизация қилинадиган активлар» тушунчасига солиқ ҳисоби объекти сифатида ёндашишни такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 306-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: «Ушбу Кодексга мувофиқ солиқ тўловчи амортизация қилинадиган активлар сифатида ҳисобга оладиган асосий воситалар ва номоддий активлар ушбу Кодекс мақсадларида

¹³⁶ Бубнов В.А., Одаховская Д.А., Пятак А.А. Налоговый учет основных средств организации. Baikal Research Journal 2022. Т. 13, № 2. DOI 10.17150/2411-6262.2022.13(2).2. <https://brj-bgupep.ru/reader/article.aspx?id=25107>

¹³⁷ Осипова А.И. Особенности налогового учета амортизируемого имущества. Форум молодых ученых 3(55) 2021. 87-89 с. <http://forum-nauka.ru>

¹³⁸ Ризаев Н.Р., Исаев Ф.И. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва уни такомиллаштириш. Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил, 2024 йил, IV-сон май. 597-609 бетлар.

¹³⁹ Boltayev A.S. Qishloq xo'jaligi faoliyati hisobining metodologiyasini takomillashtirish. Ilmiy monografiya. – Т.: “Demal” nashriyoti, 2024-у. – 152 б.

амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилади»¹⁴⁰. Фикримизни қуйидагича асослаймиз:

биринчидан, Солиқ кодекси 306-моддасининг олдинги таҳририда¹⁴¹ “амортизация қилинадиган активлар” тушунчаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик” талабларига бевосита боғлиқ бўлган. Биз томонимиздан таклиф этилган таҳрирда эса, “амортизация қилинадиган активлар”ни эътироф этиш бевосита Солиқ кодексининг ўзига таянилиши лозимлиги белгиланган. Бу билан амортизация қилинадиган активлар бўйича солиқ ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги меъёрий чегаралар аниқ ажратилиши таъминланади;

иккинчидан, амортизация қилинадиган активлар бўйича солиқ солиш мақсадларида амортизация қилиш мезонларини Солиқ кодекси доирасида қатъий белгилаш имконини беради;

учинчидан, “солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олинадиган” тушунчаси Солиқ кодекси ва солиқ тўловчининг солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатида белгиланган талаблар асосида шаклландиган тушунча сифатида эътироф этилади.

Шунингдек, мазкур модданинг иккинчи қисмида «асосий воситалар» атамаси билан тўлдирган ҳолда унинг солиқ солиш мақсадларидаги мазмунини қуйидагича ёритиб бериш лозим: “Ўзбекистон Республикасида бирлик (тўплам) учун белгиланган (асосий восита сифатида эътироф этилган санадаги), қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг элик баравари миқдоридан юқори бўлган, солиқ тўловчида мулк ҳуқуқи асосида турган (агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса) ва солиқ тўловчи томонидан товарларни ишлаб чиқаришда (хизматлар кўрсатишда) ёки маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун узоқ вақт (давомийлиги ўн икки ойдан ортиқ вақт) мобайнида фойдаланиладиган мол-мулк солиқ солиш мақсадларида асосий восита деб эътироф этилади”¹⁴². Бу албатта, солиқ солиш мақсадларида асосий воситанинг қиймати ва ундан фойдаланиш муддати билан боғлиқ мезонларни аниқ белгилаш асосида солиқ ҳисобида асосий воситаларни тўғри таснифлашни, шунингдек, солиқ тўловчига солиқ солиш мақсадларида асосий воситаларга нисбатан белгиланган қиймат чегарасини ҳисоб сиёсати орқали мослаштириш имконининг берилиши солиқ ҳисобининг мослашувчанлигини таъминлайди ва солиқ амалиётида ягона ёндашувни шакллантириш имконини беради.

Шундай қилиб, солиқ солиш мақсадларида амортизация қилинадиган активлар ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган изланишлар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди: амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда иқтисодий манбалардан

¹⁴⁰ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан тасдиқланган). <https://lex.uz/docs/4674902?ONDATE=01.01.2025>

¹⁴² Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

келтирилган таърифлар ва ёндашувлар тадқиқ қилинган ҳолда солиқ ҳисоби мақсадларида “амортизация қилинадиган активлар” тушунчасига муаллифлик ёндашуви шакллантирилди. Шу билан бирга, тақлиф қилинган муаллифлик ёндашувининг тадқиқ қилиб ўрганилган манбаларда келтирилган таърифлар ва ёндашувлардан фарқли жиҳатлари асослаб берилди; солиқ солиш мақсадларида “асосий воситалар” тушунчасига муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилди ва мазкур ёндашув асосида Солиқ кодекси 306-моддасининг иккинчи қисми сифатида тўлдириш тақлиф этилди. Бу албатта, асосий воситанинг қиймати ва ундан фойдаланиш муддати билан боғлиқ мезонларни аниқ белгилаш асосида солиқ ҳисобида асосий воситаларни тўғри таснифлаш, тан олиш ва баҳолаш борасида ягона ёндашувни шакллантириш имконини беради.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан тасдиқланган). <https://lex.uz/docs/4674902?ONDATE=01.01.2025>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-февралдаги «Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>

3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати». <https://www.lex.uz/acts/7050497>

4. Бубнов В.А., Одаховская Д.А., Пятак А.А. Налоговый учет основных средств организации. *Vaikal Research Journal* 2022. Т. 13, № 2. DOI 10.17150/2411-6262.2022.13(2).2.

5. Осипова А.И. Особенности налогового учета амортизируемого имущества. Форум молодых ученых 3(55) 2021. 87-89 с. <http://forum-nauka.ru>

6. Ризаев Н.Р., Исаев Ф.И. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва уни такомиллаштириш. Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил, 2024 йил, IV-сон май. 597-609 бетлар.

7. Boltayev A.S. Qishloq xo'jaligi faoliyati hisobining metodologiyasini takomillashtirish. *Ilmiy monografiya*. – Т.: “Demal” nashriyoti, 2024-у. – 152 б.

ЁШЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВИНИНГ САМАРАЛИ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Асқарова Муҳаббат Ибрахимовна

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
катта илмий ходими

Ёшларни пулни тўғри бошқариш одатлари билан мустаҳкамлаш уларнинг умрбод молиявий фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Ёшлар пул билан муносабатлари уларнинг умрининг қолган қисмида